

ПК-17-1-16-01-45

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўқув-машғулот маркази” МЧЖ

Д. Нурбек Хасанова Д.З.

2025 йил “05” март

“Ўқув-машғулот маркази” МЧЖда тахсил олаётган тингловчилар билан
“Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар ва ишонч алоқа
каналларидан фойдаланиш тартиби” бўйича ўтказилган йиғилиш

1-сон БАЁННОМАСИ

2025-йил 5 март

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Хасанова Д.З. ЎММ МЧЖ Дириектори ўринбосари.
Таклиф
этилганлар: Рустамов Ж.А. “Uzbekistan Airways” АЖ Комплаенс-хизмати
мутахассиси.

Иштирок этдилар: Мударисов И.Ф., МЧЖ Бош ҳуқук маслаҳатчи;
Ахмаджановна Т.М., меҳнат муҳофазаси ва техник
хавфсизлик мухандиси;
Юлдашев Ў.М. МЧЖ Коррупцияга қарши ички назорат бош
комплаенс-инспектори.
ЎММда тахсил олаётган Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролик авиацияси тизимида ишлаётган ва янги ишга
қабул қилинган учувчилар, борт кузатувчилар, мухандислар,
қўриклов ҳодимлари ва бошқалар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш бўйича
миллий қонунчилигимиз ва ички хужжатлар.
2. Ишонч алоқа каналлари орқали мурожаат қилиш ва уни қўриб чиқиш
тартиби.

ЎММ МЧЖнинг коррупцияга қарши ички назорат бош комплаенс-
инспектори Юлдашев Ў.М. сўзга чиқиб, барча йиғилиш иштирокчиларига кун
тартибида қўриб чиқиладиган масалалар ва сўзга чиқувчиларни таништириб ўтди.

Шундан сўнг, Хасанова Д.З. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро
авиацияси узок йиллик бой тарихга эга бўлган, минтақамизда ва халқаро Фуқаро
авиацияси маконида уз нуфузи бўйича етакчилар қаторида эканлигини эслатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаро авиацияси тизимида эришилаётган юксак ютуқ ва марраларда ЎММ МЧЖ жамоасининг хиссаси юқорилигини, зарур бўлган кадрларни юксак билим ва малакали қилиб таёrlаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда катта ишлар амалга оширилаётганига тўхталди.

Шу билан бирга, юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурганини, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ўзи шахсан намуна кўрсатаётганини таъкидлаб ўтди.

Хасанова Д.З. ўз сўзини давлат Раҳбаримизнинг “Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция мухитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди” деб таъкидлаган фикрлари билан якунлади.

Рустамов Ж.А. “Uzbekistan Airways” АЖда ва унинг таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши ички назорат ташкил этилганлиги, улар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган барча хукукий асослар яратилганлигига тўхталди.

“Uzbekistan Airways” АЖда ва унинг таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши самарали курашиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларга қисқача тўхталиб ўтди.

Жумладан:

Вакант лавозимларга фуқароларни ишга олишни рақамлаштирилганлиги ва танлов асосида олинаётганлиги;

Давлат ҳаридларини ўтказиш ва уни назорат қилиш тартиби;

Фуқароларга хизмат кўрсатиш (авиачипталарни сотиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш, юкларни юбориш ва хок.лар) тартиби ва у ерда коррупциявий хатарларни минималлаштирилганлиги тушинтирилди.

Юлдашев Ў.М. сўзга чиқиб, барча йигилиш иштирокчиларига қисқача маъруза шаклида коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашуви бўйича Республикаизда қабул қилинган бир катор қонунлар ва карорларни етказиб ўтди.

Хусусан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-81-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июнь “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” ЎРҚ-931-сон Қонуни.

Шу билан бирга, ЎММ МЧЖда қабул қилинган ички идоравий хужжатлар ва уларнинг қисқача мазмуни етказилди.

“Ўқув-машғулот маркази” МЧЖ Директорининг 2024 йил 5 декабрдаги №131-сон буйруғи билан ижрога киритилган “Ўқув-машғулот маркази” МЧЖда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом”;

2024 йил 5 декабрдаги №130-сон буйруғи билан ижрога киритилган “Ўқув-машғулот маркази” МЧЖга коррупция холатлари бўйича келиб тушган ҳабарларни қабул килиб олиш ва кўриб чиқиш Қоида”си;

2025 йил 15 январдги №7-сон буйруғи билан ижрога киритилган “Ўқув-машғулот маркази” МЧЖнинг коррупцияга қарши қурашиб бўйича янги таҳирдаги Сиёсати”.

Иштирокчиларда коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳодисаларига боғлиқ бўлган ахборотларни ишонч алоқа каналлари оркали етказиш тартиби, мурожат қилган фуқароларни шахсини сир тутилиши, мурожат қилган фуқаро ёки ҳодимлар тақибга олинмаслиги ёки ишончли иш ўрнида ишлаши кафолатланиши ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тушунтирилди.

Тадбирда айрим иштирокчилар ўқитувчиларга совға бериш мукинми деган саволга қай тартибда, качон ва қанча пул миқдоригача совғалар берилиши мумкинлигини Юлдашев Ў.М. томонидан тушунтирилди.


Шунингдек, ЎММ МЧЖ ҳодимлари томонидан қимматбаҳо совғалар қайси ҳолатларда олиниши ва ушбу совғаларни қийматиниг миқдори тушунтириб ўтилди.

Котиб



Юлдашев Ў.М.

Баённома билан танишдилар:

Рустамов Ж.А.	Комплаенс-хизмати мутахассиси	
Юлдашев Ў.М.	Комплаенс мутахассиси	
Мударисов И.Ф.	Бош ҳукуқ маслаҳатчиси	
Ахмаджановна Т.М.	Мехнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик мухандиси	